

“ҲУРМАТ” СЕМАНТИК МАЙДОНИДА КЎП МАЪНОЛИЛИК

Маткаримова А.И., АДУ Хорижий тиллар факультети катта ўқитувчи

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида ҳурмат семантик майдонини ифодаловчи тил воситаларининг кўпмаънолилик хусусиятлари ёритилади.

Калит сўзлар: майдон, кўпмаънолилик, эътибор, сўз бирикмалари, матн, шахс, жамият, расмий, норасмий.

The article deals with the questions of polisemy in the language means expressing semantic field of respect.

Key words: field, policemy, notice, word combinations, text, person, society, official, unofficial.

Маълумки, мазмуний майдонларда полисемантик сўз маъноларининг муносабатлари ўзига хос ўрин тутати. Ҳозирда кўпмаънолилиги бир-бирини тақозо қилувчи микросистемани ташкил этади, кўп маъноли сўз доирасида семантик омонимия, яъни умумий семантик қисм бўлмаган маънолар ҳам бўлиши мумкин. Ф.А.Литвин полисемантик сўзлар маънолари орасида қуйидаги 3 тур муносабатларнинг бўлиши мумкинлигини таъкидлайди: кесишиш, қўшилиш, семантик омонимия [1.98]

Ш.М.Искандарова, маъноларни бир семантик майдонга фақат кесишиш ва қўшилиш муносабатлари бирлаштиради, деб ҳисоблайди. Семантик омонимияни эса турли майдонларга ажратади. Шунга кўра, кўп маъноли сўзларни майдоннинг мазмуний қурилиши, “тушунчалар қамрови” сифатида ўрганиш учун кесишиш ва қўшилиш муносабатлари муҳим роль ўйнайди[2].

Сўзнинг полисемияси, унинг асосий маъноси орқали аниқланади, чунки кўп маъноли сўз маъноларининг кесишишида ҳам, қўшилишида ҳам улар ҳосил қилган мазмуний майдон марказида доимо асосий маъно ётади ва унга қолган ҳамма маънолар бевосита ёки билвосита бўйсунди.

Э.В.Кузнецова эса гарчи кейинги вақтда умумий маъноларга берилган изоҳлар орасида кўп маъноли сўзнинг мазмуний инварианти сифатида унинг асосий маъносини олиш таклифи аксар олимлар томонидан киритилаётган бўлсада, у сўзнинг лексик-семантик вариантларидан фақат биттаси бўлиб, нутқда ишлатилиши бошқа вариантларни рад этади, деб кўрсатади. [3.103]

У феъл лексикасини текширишга асосланиб, кўп маъноли сўзнинг инварианти, “семантик эталони” сифатида оддий умумий маънони эмас, унинг алоҳида модификациясини олиш зарур деб ҳисоблаган ҳолда, уни “умумлашган маъно” деб номлашни таклиф қилади. Умумлашган маъно асосий аниқ маънолар бўлиб, улар маълум вазиятда мазмунларининг ривожланиши асосида вужудга келади. Умумлашган маъно асосий маънодан алоҳида лексик-семантик вариант сифатида семалар таркиби ва матн тури юзасидан фарқ қиладилар, умумлашган маъно аниқ маънога нисбатан кенгроқ матнда амалга ошади, бошқа иккиламчи маънолардан эса асосий аниқ маънога яқинлиги, иккиламчи синонимик парадигмадаги алоҳида роли билан фарқ қилади.

“Ҳурмат” семантик майдони қўлланишининг мулоқот муҳити, ўрни, даври ва мақсади билан боғлиқлиги уларнинг яна бир категориал белгига яъни, социолингвистик кўрсаткичга эга эканлигидан дарак беради. Инсонлар жамият ҳаётида мавжуд бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар ҳақида ахборот узатадилар, “шунинг учун ҳам “ҳурмат” семантик майдонининг ясалиши ва қўлланиши сўзловчининг ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Инсон фақат уларнинг ижтимоий тажрибасида, маданий онгида, муқобил мантиқий тушунча мавжуд бўлгандагина маълум туркумдаги сўз бирикмаларини талаффуз қилади, яратади, шакллантиради” [4.200]

Кўп маънолиликини ҳосил қилувчи семантик майдонларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ифода плани бирлиги сифатидаги битта сўз билан муносабатда бўладилар. Аммо ифода плани воситалари билан кўп маъноли сўзнинг алоҳида маънолари ҳам дифференциация қилиниши керак. Бундай фарқланишнинг асосий воситаси матн ҳисобланади [2]

“Ҳурмат” семантик майдони кўп жиҳатли ва вазифали, ўзига хос воситаларга эга бўлган лисоний ҳодисадир, шунинг учун ҳам уни тавсифлашда унга хос бўлган семиотик, семантик, структуравий, номинатив, когнитив, миллий-маданий хусусиятларни эътиборга олиш талаб қилинади. Албатта, “ҳурмат” семантик майдонининг санаб ўтилган хусусиятларининг

барчаси ҳам унинг мавқеини белгилаш учун аҳамиятли, лекин ушбу хусусиятларни умумлаштирувчи ва “хурмат” семантик майдонининг лисоний мақомини шакллантирувчи асосий кўрсаткич унинг яхлитлигидир. Зотан, ҳар қандай тил бирлиги структуравий ва семантик жиҳатдан яхлит кўриниш олиши зарур, акс ҳолда уни мустақил бирлик сифатида тавсифлаб бўлмайди.

“Хурмат” от сўз туркумига мансуб бўлиб, унинг қуйидаги маъноларни ифодалаши барчамизга маълум. Жумладан, *эъозлаш, қаттиқ севиш, қадрлаш, маъқул топиш, қўллаб-қувватлаш, иззат-икром, хушмуомалалик, эътибор, назокатлилик, мулойимлик, ифтихор, ҳурмат билан қараш, бурч, қадр-қиммат, баҳо, мулоҳаза, этикет, илтифот кўрсатиш, яхши хулқ, яхши ният, ҳурмат-эҳтиром, шараф, камтарлик, итоаткорлик, ҳаддан ташқари севмоқ, мақтов, эътироф, етти букилиб таъзим қилиш, дўстона салом, одоблилик, мадҳ этиш, нуфуз, расман тан олиш, таъзим, шуҳрат, тавсифнома, насиба, қадрлаш, сизиниш, қиймат*. Бундан ташқари яна: *чидамлилик, содиқлилик, ғамхўрлик, характер, мулойимлик, уйғунлик, бўйсунуш, ён бериш, таъвишланиш, эътибор, қизиқиш, фахр, одоб, кимнидир фикри билан ҳисоблашмоқ, мулоҳаза, содиқлик, бажо келтириш, илтифот, одоб, қамраб олмақ, тутиш, таъкидлаш, қулоқ солиш, кузатиш, махсус, уддасидан чиқмоқ*.

Кўп маъноли “хурмат” семантик майдонига жамланган юқори даражага кўймоқ, бошқа инсонга эътибор кўрсатмоқ, ўзаро ҳурмат доктор-бемор муносабатлари ижобийлигининг асосидир.

Маълумки, “хурмат”да қадрлаш туйғуси; ижобий муносабат; эҳтиром ёки одоб билан муносабатда бўлиш; эътибор бериш ёки қадрлашга мойиллик; ҳурмат сўзлари; эътибор ёки эҳтиром иборалари: иззат-икром кўрсатиш каби кўпмаънолилик англашилади. Ҳурмат борлиқдаги бошқа индивидларга (Масалан: бошқа дин ёки миллатга мансуб инсонга) ижобий муносабатни билдирибгина қолмай, балки ўша ҳурмат - эҳтиромни ифода этадиган ўзига хос фаолият ҳам ҳисобланади. “Хурмат” ўша ҳурмат қилинаётган шахснинг ҳақиқий сифатларига бўлган махсус эътибор туйғуси бўлиши ҳам мумкин.

(масалан: I have great respect for her judgment. - Менинг унинг мулоҳазаларига ҳурматим баланд) У шунингдек, ҳурматнинг махсус этикетларига мувофиқ муносабат бўлиши ҳам мумкин. Модомики кимnidир ёки ниманидир улуғлайдиган ҳатти-ҳаракатлар ҳурматни ифодалар экан, кўпол муносабатлар одатда ҳурматсизлик тушунчаларини уйғотади. Ҳурматнинг махсус этикетлари турли хил маданиятларнинг фундаментал асосидир. Урф-одат ва ҳокимиятга бўлган ҳурматни Жонатан Хайдт турли хил жамият ва инсонларга ҳар хил тақсимланган маънавий қадриятлардан бири, деб эътироф этади.

“Ҳурмат”нинг турлари унинг реал ҳаётга алоқадорлигидан далолат беради. Бунда биз кўришимиз ва эътибор беришимиз мумкин бўлган кўйидаги ҳолатларга назар солайлик.

Ота-она ва кексаларга ҳурмат. Кўпгина жамиятларда одамлар ўзларининг ота-оналари ва ёши улуғ инсонларни ҳурмат қилишлари кўзда тутилади. Конфуцийчиликда фарзандлик бурчи (тақвоси) ўз ота-оналарига ва аجدодларига ҳурматни англатади. Кўпгина жамиятларда бундай “ҳурмат” катталарга тенгдошларидан фарқли бўлган тилда муомала қилиш орқали ифодаланади.

Раҳбарларга ҳурмат. Ҳурмат ва унинг ташқи белгилари иерархик ташкилиотларда бўйсунуш ҳамда итоаткорлик даражасини кучайтириш учун қўлланилади. Ҳарбий идоралар ҳарбийлардан ҳурмат талаб қилиш орқали тартиб - интизомни сақлайди. Масалан, АҚШда куролли кучлар хизматчиларига бўлган жиддий норозичилик нафрат жазога лойиқ ҳатти ҳаракат сифатида баҳоланади. Ҳарбий лавозим тизими ўз раҳбарларини ҳурмат қилувчи субординаторларга асосаланади. Ўз хўжайинига ҳурмат ва содиқлик Рицарлик ва Бушида маданиятларининг туб мезони ҳисобланади. Мафия ва Якуза каби уюшган жиноий синдибатлар ҳам раҳбарга ҳурмат маданиятига таянади.

Давлат жамиятларига бўлган ҳурмат. Кўпгина жамиятлар ўз вакилларининг ватанпарвар бўлишларини бутун давлатга ҳурмат

кўрсатишларини кўзда тутди. Бундай ҳурмат баъзан ўша давлатнинг раҳбарларига ҳам бўлиши мумкин (масалан байроқларга). Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлар байроқларига бўлган “ҳурмат” ўша байроқларнинг намойиши билан боғлиқ бир қанча қоидаларни ёқлаш орқали кўрсатилади. Масалан: байроқни қоронғуда ҳилпиратмаслик, йиртилиши ёки шикастланишига йўл қўймаслик ва ҳ.к.

Динга бўлган ҳурмат. Бир қанча динлар, диний уламолар артифактларга бўлган ҳурматни ифодаловчи имо-ишораларни талаб қилади. Буларга мисол қилиб католик черковидаги епископ ёки умрини ибодатга бағишлаган роҳибларга Шарқий Православияда эса черковдаги (земной поклонга) тиз чўкиб сажда қилишни келтириш мумкин.

Бошқа маданиятларга ҳурмат. Маданиятлараро маҳорат бу ҳар бир маданиятнинг ўзига хос “ҳурмат” тушунчаларини тан олиш одобидир.

Тиббиёт соҳасида ҳурмат. Бу соҳада “ҳурмат” ҳар бир беморнинг танқидсиз ҳамшира-бемор муносабатининг муҳим таркибий қисми сифатида кўринишидир. Бу ҳамширанинг беморнинг табақасидан қатъий назар хизмат кўрсатишини аниқлатади. У ўз ҳурматини кўрсатиш учун беморнинг ҳаёт тарзи, кийиниши, одобидан ҳайратланмаслиги, ажабланишдан ёки беписанд қарашдан ўзини тийиши керак. Ҳамшира беморнинг танловлари ва ҳатти-ҳаракатларини ҳурмат қилади, аммо шу билан бирга носоғлом, ёқимсиз ҳуш- атворга чекловлар қўяди.

Ҳурмат кўпгина тилларда ўша тилнинг ўзига хос грамматик хусусиятларига амал қилиш, айниқса, шу тилда сўзлашувчилар билан муносабатга киришаётганда бу қоидаларни ҳисобга олиши орқали ифодаланади.

Мўтабар сўзи кимгадир мурожат этилганда ёки кимнидир тилга олганда ҳурматни ифодаладиган сўз ёки ибора (кўпинча олмош) ҳисобланади. Одатда, бундай сўзлар иккинчи ёки учинчи шахсларда ишлатилади; биринчи шахс учун қўлланиши камдан кам ҳолларда учрайди. Баъзи тилларда “ҳурмат” маъносини кучайтирувчи иккинчи ёки учинчи

шахс шакллари борки, булар ҳурматсизлик ёки юқоридаги сўзга зид маъноли бошқа сўзлар орқали ифодаланиб биринчи шахсда келади (камтарин кулингиз ёки бу нонкўр).

Дўстона ёки дўстга ҳурмат. Кимгадир “ҳурмат” ёки дўстона муносабат кўрсатиш. Мен аввал унинг ота-онасига ҳурмат кўрсатиб, кейин бошқаларни кўргани шаҳарга тушдим. Мухлислар спортчи билан хайрлашиш учун совуққа ҳам эътибор бермай кутишди. Эслатмалар: баъзида охири марта ҳурмат бажо келтириш, видолашиш маъносида қўлланади (бирор вафот этган инсонга нисбатан).

Демак, эъзозловчи нутқ бу сўзловчи томонидан кўпроқ ҳурматни билдирадиган ҳар қандай грамматик қоидаларни қамраб олувчи нисбатан умумий ибора ҳисобланади.

Ҳурмат семантик майдонининг ҳали очилмаган қирралари кўп. Биз мазкур мақолада бу муаммонинг айрим баҳс-талаб хусусиятларига тўхталдик холос. Кейинги мақолаларимизда прагматик ва когнитив тилшунослик талқинида яна қайтамыз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речь. М: Высш шк. 1984
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс макромайдони). Ф.ф.док.дисс.-Т.: 1999
3. Кузнецова Э.В. О статусах слова. Исследования по семантике. Уфа, 1983.
4. Тер – Минасова С.Г. Синтагматика речи: Онтология и эвристика. – М.:Изд. МГУ, 1980. -200 с.